

**СПОНТАН ҶХШАТИШЛАРДА ОБРАЗНИ ШАКЛЛАНТИРАДИГАН  
КОГНИТИВ МЕХАНИЗМЛАРНИНГ ТУРИ ҲАҚИДА  
(ФРАНЦУЗ ТИЛИ МИСОЛИДА)**



**Гулдора Салахиддиновна МУСТАЕВА**  
*мустақил изланувчи  
француз тили ва адабиёти кафедраси  
Самарқанд давлат чет тиллар институти  
mgulyas00@gmail.com*

**Аннотация**

Мазкур мақолада француз тилидаги образли спонтан ўхшатишлар ўхшатиш образини шакллантириш асосида ётадиган билимларнинг хусусиятига кўра системалаштирилган. Образнинг шаклланиш даражаси ўхшатилаётган объектлар учун ўхшатиш асоси ҳисобланган феъл билан ифодаланувчи ҳаракат бажарилишининг одатий/ноодатий эканлиги ҳақидаги фондаги билимларга асосланади.

**Калит сўзлар:** спонтан ўхшатиш, ўхшатиш образи, ўхшатиш асоси, ўхшатиш мавзуси, ўзшатиш ядроси, оламнинг лисоний манзараси, ҳаракатнинг одатий/ноодатий эканлиги.

**ОБ ОДНОМ ТИПЕ КОГНИТИВНЫХ МЕХАНИЗМОВ ФОРМИРОВАНИЯ  
ОБРАЗА СПОНТАННОГО СРАВНЕНИЯ  
(НА МАТЕРИАЛЕ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА)**

**Гулдора Салахиддиновна МУСТАЕВА**  
*самостоятельный соискатель  
кафедра французского языка и литературы  
Самаркандский государственный институт  
иностранных языков  
mgulyas00@gmail.com*

**Аннотация**

В данной статье спонтанные образные сравнения французского языка систематизируются по характеру знаний, лежащих на основе формирования образа сравнения. Степень формирования образа основывается на фоновых знаниях о привычности/непривычности осуществления действия, выражаемого глаголом, выступающим как основа сравнения для сравниваемых объектов.

**Ключевые слова:** спонтанное сравнение, образ сравнения, основа сравнения, тема сравнения, ядро сравнения, языковая картина мира, привычность/непривычность действия.

**ON COGNITIVE MECHANISM OF FORMATION OF THE IMAGE OF A  
SPONTANEOUS COMPARISON  
(ON A MATERIAL OF THE FRENCH LANGUAGE)**

**Guldora Salohiddinova MUSTAEVA**  
*Independent researcher  
Department of French Language and Literature  
Samarkand State Institute of Foreign Languages  
mgulyas00@gmail.com*

**Abstract**

The article systematized spontaneous figurative comparisons of the French language according to the nature of knowledge based on the formation of the image of comparison. The degree of image formation is based on background knowledge of the habitual / unaccustomed implementation of the action expressed by the verb acting as the basis of comparison for the compared objects.

**Keywords:** spontaneous comparison, comparison image, basis of comparison, topic of comparison, core of comparison, language picture of the world, accustomedness / unaccustomedness of the action.

Ҳар қандай ахборот инсон онги томонидан идрок этилган ташқи олам воқеа-ҳодисаларини акс эттирувчи лексик бирликларга жойлашади. “Тилнинг олам билан, зикр этилаётган нарса билан алоқаси реал воқеликнинг турли компонентлари билан маънодор тил бирликларининг ўзаро алоқаси сифатида намоён бўлади” (1, 354). Олам тўғрисида инсон билимларининг шаклланиши алоҳида шахс ва айни пайтда, бутун бир халқ фаолиятининг маҳсули бўлган тил ёрдамида содир бўлади ва тил шаклида мустаҳкамланган бу билимларнинг мажмуи “оламнинг лисоний манзараси”ни ташкил қилади. Тил, Гумбольдт таъбири бўйича, “ўзининг ҳамма илдизлари ва нозик тўқималари орқали миллий руҳнинг кучи билан кўшилиб кетган” (2, 51). Шунинг учун ҳам “оламнинг лисоний манзараси” ҳақида гапирганда, муайян миллатнинг оламга муносабати – нуқтаи назари акс этган миллий тил воситасида ҳосил бўладиган манзара ҳақида ҳам гапириш мумкин.

Ҳар бир миллат оламини ўз тилининг бирликлари орқали идрок қилади. Бу борлиқнинг турлича концептуаллашуви билан боғлиқ ҳодиса, яъни олам манзараси ҳар хил тилларда маданият ва анъаналарнинг хусусиятлари замирида пайдо бўлган ўзига хос миллий колоритга эга бўлади. Демак, оламнинг миллий тил манзараси муҳит ва олам тўғрисидаги ахборотнинг қайта ишланиши натижасидир. Бу ахборотда идрок қилишнинг натижаси қайд қилинади. Шунинг учун оламнинг миллий-лисоний манзараси, бир томондан, универсал, иккинчи томондан, ўзига хос бўлиши тўғрисидаги В. Маслованинг фикрлари асосли бўлиб кўринади: “Метафоралар, ўхшатишлар ва символларда сақланиб қолган иккиламчи сезгилар механизмининг таъсири асосида акс этган олам, бу – ҳар қандай аниқ “олам лисоний манзараси”нинг универсаллигини ва ўзига хослигини аниқлаб берадиган асосий омилдир. Тана сезгилари воситасида бериладиган баҳонинг генетик механизми универсал бўлганлиги сабабли, у, бундай ўзаро боғлиқлик натижасида типологик – ҳам умумий, ҳам индивидуал хусусиятларга эга бўлган лисоний манзаранинг яратилишига олиб келади” (3, 64).

Халқларнинг миллий ўзига хослиги жуда мураккаб ҳодисадир. Бу ҳодиса ўзаро алоқадор унсурларнинг бутун бир мажмуини, хусусан, халқнинг характери, руҳияти, унинг тарихи, маънавий ва этник ҳаётини қамраб олади.

Модомики, образ фақат битта халққа маълум бўлган реалияларга таянар экан, у ўхшатишларнинг миллий ўзига хослигини кўпроқ ўзида сақлаб қолади. Фон билимларига эга бўлмаган бошқа миллат вакиллари бу ўхшатишларнинг маъносини англаб олиши жуда қийин кечади.

Муайян бир миллат учун ўзига хос реалиялар (топонимлар, антропонимлар, гидронимлар) ўхшатиш образининг таркибий қисмларини ташкил қилади. Бу реалиялар тил соҳиблари томонидан жуда осон идрок этилади, чунки ўхшатиш образининг миллий чегараланганлигини кўрсатувчи лингвистик воситалар “юзада ётади” ва бирор-бир қийинчиликларсиз аниқланади. Аммо кўп ҳолларда, образнинг миллий хусусиятлари шунчалик “осон” ва “бирдан” идрок этилмайди: образни юзага чиқариш учун миллий онгда шаклланган билимлар фондининг алоҳида структураларини чуқурроқ таҳлил қилишга зарурат сезилади. Ҳар қандай тил соҳибининг онгида уларни ўраб турган борлиқдаги объектларнинг белгилари ва улар томонидан бажарилдадиган ҳаракатлар ёки уларнинг ҳолатлари тўғрисида муайян тасаввурлар мажмуи мавжуд. Инсон сезги органлари орқали идрок этилувчи ташқи оламнинг ҳодисалари жамоа онги доирасида қайта ишланади. Предметлар (бу сўзнинг кенг маъносиди), ҳаракатлар, ҳолатлар тўғрисида у ёки бу тилда сўзловчилар бир хил тасаввурларга эга бўлиши тил жамоаси аъзоларининг мулоқот жараёнини кўп жиҳатдан аниқлаб беради (4). Бундай тасаввурлар умумий билимлар фондиди ёки когницияларни ташкил қилади. Мулоқот жараёнида пайдо бўладиган француз тилидаги спонтан образли ўхшатишлар асосий билимлар фондига асослангандир.

Образли спонтан ўхшатишлар асосида ётган билимлар характерига кўра, француз тилидаги образли ўхшатишлар бир қанча турларга бўлинади. Шулардан бир турини мазкур мақолада кўриб чиқамиз.

Ўхшатиш мавзусини ташкил қиладиган отнинг денотатига, одатдаги ҳолатларда ўхшатиш асосида ётган феъл томонидан белгиланган ҳаракатни бажариш хос эмас, аммо бу ҳаракатни бажариш ўхшатиш ядросида қўлланган отнинг денотати учун одатий ҳолат. Масалан, *s’amuser* бола учун одатий ҳолат, катта ёшдаги киши учун одатга айланмаган. Катта ёшдаги одам, табиийки, бу феъл англаган ҳаракатни бажариш имкониятидан маҳрум қилинмаган, аммо бундай ҳолатда уни кузатиб турган киши онгида бола образи пайдо бўлади. Айнан шундай когниция (болага хос/каттага хос эмас) куйидаги мисоллардаги ўхшатишларнинг асосида ётибди: *Elle (Éveline) s’amusait comme une enfant lorsque Hubert vint réclamer la valse promise* (15, 126). *Quant à Sabine, toute rose, s’amusait comme une enfant de la musique, du ballet et de son succès qu’elle devinait très bien, elle cria à M. de Jurieudans un éclat de rire* (19, 71). *Après avoir employé sa matinée à bien embrouiller les affaires*

*de ses personnages, à combiner des corruptions, des escroqueries et des assassinats, il (Denis) était disposé, le soir, à s’amuser comme un enfant (7, 418). Elle (Ragotte) s’amuse comme une fillette, émerveillée par cette nouvelle invention des hommes qui ne savent plus quoi imaginer (13, 239). Et le fou, comme un enfant, s’amusa de la danse des petites languesjaunes et bleues qui s’étiraient, voletaient, se propageaient (24, 157).*

Қандайдир бир предмет катта ёшдаги кишини овунтира бошлаган пайтда ёки ушбу предмет билан ўйнай бошлаган вазиятларда кўпинча, бола билан ассоциация вужудга келади: *Le domaine était pour elle (Magda) un objet encore nouveau et inconnu, elles ’enamusaient comme un enfant (16, 240)* – ер-мулк Магда учун ҳали янги ва нотаниш нарса эди ва бундан у боладек завқланарди. *Sévèraguette, toujours radieuse, jouait avec les Louis comme une enfant (9, 383)* – Северагетта худди боладек луидоралар билан ўйнади.

*Pleurer, sangloter, verser des larmes* (йиғламоқ, хўнграб йиғламоқ, кўз ёшларини тўкмоқ) феъллари англлатган ҳаракатлар ҳам онгимизда, биринчи навбатда, бола билан боғланади: айнан болалар осон ва арзимаган сабабдан йиғлайдилар, катта ёшдаги киши учун бу ҳаракат хос эмас. Шунинг учун ҳам катталарда кўз ёшлари кўринганда, тасаввурда кўпинча бола образи пайдо бўлади, когнициянинг мазмунини “мен катта ёшдаги киши учун хос бўлмаган нарсани кузатяпман, буни фақат бола учун одат”, деб ҳисоблаш мумкин. Масалан: *Elle (Mme de Grandpré) pleurait comme une enfant (17, 227). Puis, remontée chez elle, Emma se jeta tout à plat ventresur son lit, et elle y pleura comme un enfant, la tête enfoncée dans l’oreiller (10, 213). Elle (Blanche) mit la main sur son coeur pour en arrêter les battements, puis s’assit, appuya la tête sur le vieux granit Breton qui avait essuyé tant d’orages, et pleura comme un enfant (18, 166). C’est un pauvre vieillard, qui ne pleurerait jamais, s’est appuyé contre le mur en sanglotant comme un enfant (27, 236).* Кейинги мисолда қарама-қарши кўйиш эксплицит тарзда ифодаланган: ҳеч қачон йиғламаган/йиғлай бошлади ва қария/бола. Яна қиёслаб кўрайлик: *Sous le soleil de printemps qui lui brûlait les yeux, John ne souvint de cet hiver lointain; cachant sa face dans ses mains, et ses mains contre terre, il pleura comme un enfant, parce qu’il avait trahi son ami (14, 318). Le matelot, non sans une courte lute, enleva la bouteille à l’infortuné, qui, malgré son âge et sa stature, se mit à pleurer comme un enfant (21, 99).* Ўхшатиш мавзуси ўрнидаги отнинг денотати учун, йиғлаш умуман одат бўлмаган катта ёшдаги одам сифатида, бундай ҳаракатнинг хос эмаслиги ушбу ҳолатда шунчаки назарда тутилмасдан, денотатнинг ифодали тавсифида ҳам шу нуқтаи назардан ўз тасдиғини топади (нафақат катта ёшдаги киши бўлганлиги, бола эмаслиги сабабли, балки яна индивидуал хусусиятлари – ирода кучи, ўзини тута билиши ва ҳақозалар туфайли ҳам ҳеч қачон йиғламаган).

*Sangloter (pleurer, verser des larmes) comme un enfant* ўхшатишларида ўхшатиш мавзуси ўрнида кўлланган шахс ҳаракатининг нафақат ноодатийлиги, балки шу ҳаракатни бажариш усули бўйича билимлар ҳам образни аниқлаштиришда фойдаланилиши мумкин, яъни айнан одам қай тарзда йиғлади: *Elle (Mar'Ivanna) pleura à chaudeslarmes, comme les petitsenfants, dansune inconsolable douleur, unedouleur sans remède, aussipénible, aussidésespéréeque la mort d'un êtrechéri* (14, 249). *Une chaise se trouvaitlà, elle (Albine) s'yassitpéniblementet, secouée par les sanglots, pleura sans contrainte, tout haut, comme un enfant perdu* (13, 66). *Défoncées, crevéesetsouillées de boue, les parois du landauiétaientrenverséessurl'arrière train et par cettedéchirure on apercevait le général de Limeuil, pleurantà chaudeslarmes, comme un enfant, penchésur Ines qu'iltenaitétendue en travers de sesgenoux, immobile, les yeuxfermés* (8, 130).

Ўхшатиш асосидаги феъл томонидан англатилган ҳаракат, нутқ вазиятига кўра, бола образининг турли кўринишларини ҳам шакллантирилиши кузатишларимизда ўз исботини топди. Бундай ўхшатишларда образ маркази бола денотатининг ранг-баранг нутқий кўринишларига кўчирилади ҳамда улар тўғрисида француз тили соҳиблари онгида шаклланган билимлар фонди қуйидаги лисоний воситалар ёрдамида спонтан ўхшатишлар ядроси таркибида воқеланади: 1) ~**comme un enfant+adjectif**: *Frances s'amusait avec la tropiettecommeunepetite enfant* (30, 171). – *Oh! Je suppose bien, en effet, qu'il (Pierre) ne pleure pas dans les coins comme un petit enfant* (5, 494); 2) ~**comme un enfant+participeprésentou passé**: *Il (Frankley) avait la tête et le coeurlourdscommeplomb. Il eûtvolupouvoirs'enaller et pleurer de rage et de dépit, comme un enfant injustementgrondé* (14, 107); 3)~**comme un enfant+ qui/que**: *-Vous (Fédor)pleurezcomme un enfant qui a peur de sa bonne* (29, 137). *Je me souviens d'un jour où je pleuraissincèrement, amèrement,comme un enfant que les larmes ne font point des miracles, non pas divins, maishumains* (11, 244); 4)~**comme tous les enfants**: *Italinarépétaitcalmement: - Rien Madame, rien, elle (Nathalie) pleure comme tous les enfants* (12, 246).

Ўхшатиш асосидаги феъл томонидан англатилган ҳаракатнинг ўхшатиш мавзуси ва ядроси ўрнида келган отларнинг денотатларига хослиги/хос эмаслиги тўғрисидаги билимлар, нутқ вазиятига кўра, турли ижтимоий гуруҳларга мансуб бола образининг шаклланиши асосида ҳам ётади. Масалан: *J'ai (Antoine) passé la nuitdansses (Thérèse) bras, à sangloter comme un gosse* (22 (5), 361). *Cematin, quandj'airacontécette scène à Jean, il a pleuré. Comme un gosse* (20, 259). *Alors, vaincu, illaissantombresa tête surcettevieilleépaule,*

*contrecevieuxcoeurcompréhensif et il se mit à pleurercomme un gamin* (31, 393).  
*Je viens de m’amusercommeun gamin* (23, 132).

Хослик/хос эмаслик омили сифатлар воситасида амалга ошадиган ўхшатишларнинг асосида ётадиган билимларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин, яъни қандайдир белги, сифат, ўхшатиш ядросига хос ва ўхшатиш мавзусига хос бўлмаган вазиятлар мавжуд бўлади. Агар ўхшатиш мавзусида бу сифат кузатилса, тегишли бола образи пайдо бўлади.

Уятчанлик, кучсизлик, кўрқоқлик, итоаткорлик каби хусусиятлар одатда, болага хос бўлган сифатлардандир. Ёши олтмишдан ошган, сочлари бутунлай оқариб кетган кампирнинг уятчан бўлиши ҳақиқатдан йирокдир. Агар унинг табиатида шу сифат тўлиқ кузатилса, тасаввуримизда кизалоқнинг образи пайдо бўлади, яъни кампир оддий вазиятда ўзига хос бўлмаган сифат билан тавсифланади. Қуйидаги ўхшатишлар шундай когнитив механизмлар асосида шаклланган. Қиёслаб кўрайлик: *Pierre présenta sa mère. C’était une sexagenaire alourdie, timide comme une fillette, presque sans rides, maistoute blanche de cheveux* (25, 126). *Son pèreétait un hommetimide, et avec lui craintif comme un enfant* (6, 115). *Elle (Marie-Hélène) était faible et doucecommeune enfant, et commeune enfant pleined’abandon candid...* (26, 290). *Il (Barnard) était à ces moments-là faible comme un enfant, au bord des larmes* (28, 28).

Шундай қилиб, нутқий мулоқатда фикрларни образли ифода этишнинг ранг-баранг воситалари қаторидан *comme* сўзи ёрдамида шаклланган образли спонтан ўхшатиш структуралари ҳам ўрин олади. Бундай ўхшатиш структураларида ахборот образли шаклда тақдим этилганда икки нарсага методик жиҳатдан эътибор қаратилиши лозим. Биринчидан, “нима қиёсланяпти?” типдаги денотатив вазиятга қараб мўлжал олиш ва, иккинчидан, “нима мақсадда қиёсланяпти?” типдаги коммуникатив-прагматик вазиятга қараб мўлжал олиш. Мақолада биринчи типдаги ўхшатишларда образ шаклланишининг асосида ётувчи когнитив механизмлар эътиборга олинди. Денотатив вазиятдаги мўлжалга кўра қиёслашнинг икки – бевосита ва билвосита турлари бир-биридан фарқланди. Биринчи турда икки объект ёки борлиқ парчаси қиёсланади. Аниқ объектни ноаниқ объект билан қиёслаш инсон тафаккурининг асосида ётади ва олам сирларига кириб боришга имкон беради. Қиёслашдан олинаётган ахборот ўхшатиш асосида ётган белгида қисман очик ифодаланади. Қиёслашнинг иккинчи турида икки объектнинг ҳаракатлари, белгилари ва ҳолатлари қиёсланади. Ахборот мазмуни эса очик ифодаланмағайди ва аксарият ҳолларда, ўша ҳаракат, белги ва ҳолатнинг ёки айнан ўша ҳаракат бажарилиш усулининг, ҳолат намоён бўлиш тарзининг ёки белги кучайиш даражасининг қиёсланаётган объектларга

хослиги/хос эмаслиги, одатий/ноодатий эканлиги каби билимларга асосланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Фреге Г. Смысл и денотат // Семантика и информация. – М., 1997. – Вып.35. – 352–379.
2. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – 399с.
3. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2010. – 208 с.
4. Будагов Р.А. Человек и его язык. 2-изд. – М.: Изд-во Московс.ун-та, 1970. – 429 с.
5. Beauvoir, Simone de. L’invitée. – Paris: Gallimard, 1943. – 504 p.
6. Cabanis, José. L’Âgeingrat. – Paris: Gallimard, 1952. – 261 p.
7. Chevallier, Gabriel.Clochemerle. – Paris: Presses universitaires de France, 1934. – 434 p.
8. Daudet, Ernest. Le mauvais arbre sera coupé. – Paris: Éd. Modern. Lib. Ambert., 1909. – 315 p.
9. Fabre, Ferdinand. Les Courbezons. – Paris: Charpentier et c-ie, 1886. – 417 p.
10. Flaubert, Gustave. Madame Bovary. – М.: Éd. en langues étrangères, 1958. – 352 p.
11. Fromentin, Eugène. Dominique. – Paris: Gallimard, 1966. – 360 p.
12. Gallo, Max. La baie des anges. – Paris: Robert Laffont, 1975. – 377 p.
13. Gréville, Henry. Chant de nocces. – Paris: Plon-Nourrit et c-ie, 1889. – 288 p.
14. Gréville Henry. Frankley. – Paris: Plon-Nourrit et c-ie, 15-e éd., s.d.– 369 p.
15. Gréville Henry. Jolie propriété à vendre. – Paris: Plon-Nourrit et c-ie, 21-e éd., s.d. – 273 p.
16. Gréville, Henry. La mamselka. – Paris: Plon-Nourrit et c-ie, 14-e éd., 1902. -288 p.
17. Gréville, Henry. Le passé d’unemère. – Paris: Plon-Nourrit et c-ie, 18-e éd., 1890. – 264 p.
18. Gréville Henry. Madame de Dreux. – Paris: Plon-Nourrit et c-ie, 1881. – 296 p.
19. Gyp. La fée surprise. – Paris: Calmann-Lévy, 1897. – 273 p.
20. Laffitte, Jean. Ceux qui vivent. – М.: Éd. en langues étrangères, 1950. – 349 p.
21. Lesueur, Daniel. L’orsanglant. – Paris: Alphonse Lemerre, 1900. – 430 p.
22. Martin du Gard, Roger. Les Thibault, t.5 – Paris: Gallimard, 1955. – 435 p.
23. Maupassant Gui de. Fort comme la mort. – М.: Éd. en langues étrangères, 1957. – 288 p.
24. Noël, Alexis. Mon prince charmant. – Paris: Plon-Nourrit et c-ie, 1909. – 352 p.
25. Rameau, Jean. Routebleue. – Paris: Plon, 1912. – 299 p.
26. Rosny, J.-H. Unereine. – Paris: Plon-Nourrit et c-ie, 50-e éd., s.d. – 298 p.
27. Rosny, J.-H. Une rupture. – Paris: Plon-Nourrit et c-ie, 1897. – 289 p.
28. Sagan, française. Dansunmois, dans un an. – Paris: René Julliard, 1957. – 189 p.
29. Stendhal. Lamielsuivi de Armance. – Paris: Le livre de poche. Librairie générale Française, 1961. – 444 p.
30. Vercors. Les animauxdenaturéssuivi de la marche à l’étoile. – Paris: A.Michel, 1952. – 429 p.
31. Vialar, Paul. La grandemeute. – Paris: Denoël, 1953. – 414 p.